

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2021 йил январь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, судья Б.Икрамовнинг раислигида, М.Абдусалиевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Назирова, жабрланувчи В.Тошпулатов, фуқаровий даъвогарлар Б.Хидирова ва Д.Аширбоевлар, судланувчи [REDACTED] иштирокида, Караджанов Сальвар Джаферовичга оид 1-1009-2002/333-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1983 йил 2 июлда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р.Назирова кўчаси, 31-уйда доимий рўйхатда туриб, [REDACTED]

[REDACTED], шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 2 ноябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] 2020 йил 6 март куни соат 02:15 ларда «ЛАСЕТТИ» русумли 10 Z 349 РА давлат рақамли автомашинасини ишончномасиз, бир нафар йўловчи билан бирга, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган КХАЙ кўчаси бўйлаб, Туркистон кўчаси томондан Махтумқули кўчаси томонга 70 км/соат тезликда бошқариб, Фарғона йўли кўприк ости йўли қаршида, йўлда бўлган ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермай, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 7-банди 3-кичик банди, 12-банди 1-кичик банди ва 77-банди 2-кичик банди талабларини бузиб, кучли чарчоқлик ҳолатида ухлаб қолиб, автомобиль руль бошқарувини йўқотиб, йўналиши ўнгга ўзгариб кетиб, «ЛАСЕТТИ» русумли автомашинанинг олд ўнг қисми билан йўлнинг ўнг чеккасида тўхтаб турган О.Тухтамуратов бошқарувидаги «КАПТИВА» русумли 01 P 871 ВВ давлат рақамли автомашинанинг орқа чап қисмига урилиб, тўқнашув содир қилган ва ҳаракатни давом этиб, автомашинани олд қисми билан «КАПТИВА» русумли автомашинани чап ёнида турган пиёда ЙПХБ инспектори В.Тошпулатовни уриб юборган. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида В.Тошпулатов, С.Караджанов, О.Тухтамуратов ҳамда «ЛАСЕТТИ»



автомашинаси йўловчиси А.Давранбековлар тан жароҳатлари олиб, шифохонага муружаат қилишган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 15 майдаги 1504-сонли хулосасига кўра, В.Тошпулатовнинг ўнг болдир суякларини юқориги учлигидан очиқ майдаланиб, синиб силжиши, ўнг болдир юқориги учлигидан олдинги юзаси лат еган яраси каби тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Оғир” тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2020 йил 30 мартдаги 29/15(3324)14.1Z/9344-сонли хулосасига кўра, тўқнашув вақтида «КАПТИВА» ва «ЛАСЕТТИ» русумли автомобилларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак чамаси 5 даражани ташиқил этгани, «КАПТИВА» ва «ЛАСЕТТИ» русумли автомобилларнинг ўзаро тўқнашуви «КАПТИВА» русумли автомобилнинг тўқнашувдан кейинги ҳолатига нисбатан чап томонида кўк рангли нуқталар билан белгиланган шиша тўкилмалари тушиган майдон атрофида содир бўлганлиги, тўқнашув вақтида «ЛАСЕТТИ» русумли автомобили ҳаракатда бўлганлиги аниқланган.

“DINVEST CONSULT” МЧЖнинг 2020 йил 12 мартдаги 12/03-16У-сонли автомашинага етказилган зарарнинг ўртача бозор қийматидаги нархи бўйича ҳисоботига кўра, С.Мирзаевага тегишли “Каптивa” русумли 01 Р 871 ВВ давлат рақамли автомашинасига ўртача бозор қийматида 40.770.080 сўм миқдоридa моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

“DINVEST CONSULT” МЧЖнинг 2020 йил 5 сентябрдаги 05/09-1У-сонли автомашинага етказилган зарарнинг ўртача бозор қийматидаги нархи бўйича ҳисоботига кўра, Б.Хидировага тегишли “Ласетти” русумли 01 Z 349 РА давлат рақамли автомашинасига ўртача бозор қийматида 23.950.234 сўм миқдоридa моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2020 йил 6 март куни тахминан соат 02:15 ларда «ЛАСЕТТИ» русумли 10 Z 349 РА давлат рақамли автомашинасини бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжатларсиз, ҳайдовчилик гувоҳномаси билан, бир нафар йўловчи А.Дониёрбеков билан бирга, Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган КХАЙ кўчаси бўйлаб, Фарғона йўли кўчаси томондан Махтумқули кўчаси томонга қараб 70 км/соат тезликда бошқариб, ўрта қаторда ҳаракатланиб, Фарғона йўли кўприк тагига яқинлашган вақтида, қаттиқ чарчаганлиги сабабли ухлаб қолгани ва руль бошқарувини йўқотиб, йўлнинг ўнг чеккасига чиқиб кетганини, ўзига келганида касалхонада бўлгани, касалхонада у терговчидан бошқариб келган автомашина руль бошқарувини йўқотиб, йўлнинг ўнг чеккасида тўхтаб турган «КАПТИВА» русумли автомашинасига урилиб тўқнашганлигини, сўнг “Каптивa” автомобили ёнида турган ЙХХБ ходими Тошпулатов Валихонни уриб юборганлигини айтгани, унга шифокорлар тиббий ёрдам кўрсатишгани, эртаси куни эрталаб ходиса жойига боргани, кейин жарима майдонига борган вақтида, ростдан ҳам ухлаб қолганидан сўнг бошқарувидаги «ЛАСЕТТИ» русумли автомобил йўлнинг ўнг томонига ўтиб кетиб, бошқарувидаги автомобилнинг олд ўнг қисми билан «КАПТИВА» русумли 01 Р 871 ВВ давлат рақамли



автомобилни орқа чап қисмига уриб тўқнашганлигини, автомобиллар ёнма-ён жарима майдонида турганлигини кўрганини, унинг оилавий шароити оғирлиги сабабли ҳозирги кунда жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш имкони йўқлигини, лекин тез кунларда етказилган зарарни қоплаб беришга ваъда беришини, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериб, С.Караджановнинг содир қилган жинояти ўз тасдиғини топган ва қуйидаги далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Жабрланувчи **В.Тошпулатов** суд мажлисида, у Тошкент шаҳар ИИББ ЙПХ инспектори лавозимида ишлашини, 2020 йил 6 март куни тунги хизматга жалб қилиниб, соат 23:00 ларда хизматга киришгани, шу куни тахминан соат 02:00 ларда хизмат вазифасига кўра, дислокация бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган КХАЙ кўчасининг «Пойтахт оил» АЁҚШ қаршисида хизмат олиб борилаётган вақтида «КАПТИВА» русумли 01 P 871 ВВ давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси хавфсизлик камари тақмасдан ҳаракатланаётганлиги сабабли тўхтатганини, лекин автомашина ҳайдовчиси бўйсунмасдан ҳаракатланиб, АЁҚШдан ўтгандаги светофорнинг қизил чироғида тўхтаганлигини, у шериги билан бориб, автомобилни йўлнинг ўнг четига олишни сўраганлигини, шундан сўнг «КАПТИВА» русумли 01 P 871 ВВ давлат рақамли автомобил ҳайдовчиси олдинроқ юриб, Фарғона йўли кўчаси кўприк тагидан ўтиб, йўлнинг ўнг томонида тўхтагани, кейин у автомобил ҳайдовчи эшиги олдига бориб, ўзини таништириб, ҳайдовчининг ҳужжатларини сўрагани, автомашина ҳайдовчиси унга нима сабабдан тўхтатганлиги, хизмат жойи ҳамда бошқа нарсалар ҳақида сўраб кетгани, у ҳайдовчи билан гаплашиб турган вақтида автомобилда бўлган яна 3 нафар йўловчилар ҳам автомобилдан тушишгани, улар маст ҳолатда бўлганлиги, шу вақтда сониялар ҳам ўтмасдан, уни ўнг томонидан қаттиқ зарба бўлганини, у ўзига келганида йўл қатнов қисмида ўнг оёғи очиқ синган ҳолатда ётган бўлгани, ён-атрофга қараганида “КАПТИВА” русумли автомашинаси орқа чап қисмига суриштирув давомида унга таниш бўлган С.Караджанов бошқарувидаги «ЛАСЕТТИ» русумли 10 Z 349 РА давлат рақамли автомашинаси олд қисми билан урилиб тўқнашиб, сўнг уни ҳам уриб ўтиб кетганлигини билгани, шундан сўнг уни тез тиббий ёрдам автомашинасида касалхонага олиб боришгани, у мазкур йўл-транспорт ҳодисасидан кейин операция қилингани, ҳозирги кунда ҳам даволаниб келаётганлигини, судланувчи ундан кечирим сўрамагани ва унга етказилган зарарни умуман қопламагани, суддан судланувчига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлаб, унга етказилган 6.670.000 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар **Б.Хидирова** суд мажлисида, ўзига тегишли бўлган «ЛАСЕТТИ» русумли 10 Z 349 РА давлат рақамли автомашинани қариндош опаси Далабаева Зебохонни номига сотиб олиб, ушбу автомашинани истаган нарҳда сотишига ваколат берилишига ишончнома расмийлаштириб олганини, 2020 йил 4 март куни кечга яқин укаси



Шоҳижаҳон таниши Караджанов Салвар билан уйга келишгани ва унга тегишли бўлган автомашинани ижарага беришни сўрагани, у рози бўлгани, Салвар унга автомашинани уйдагиларига кўрсатиш учун бошқариб кетишини, эртаси куни ишончнома учун ҳужжатлар расмийлаштиришини сўрагани, кеч бўлиб қолганлиги сабабли у рози бўлгани ва Салварга ҳеч қандай ҳужжатларсиз, яъни ишончномасиз «ЛАСЕТТИ» русумли 10 Z 349 PA давлат рақамли автомашинасини берганини, эртаси куни у укаси Шоҳижаҳонга қўнғироқ қилиб, Салварга автомобилни расмийлаштиришни айтишини айтгани, укаси унга Салварни пули бўлмайд қолганлиги сабабли эртаси куни нотариусга бориб расмийлаштиришини айтганини, 2020 йил 6 март куни тушга яқин онаси Салварга қўнғироқ қилганида, Салвар онасига мазаси йўқлигини айтгани, улар хайрон бўлиб, уни уйига боришганида, ростдан ҳам Салвар йўл-транспорт ҳодисасига учраб, мазаси бўлмайд ётганлигини кўришганини, шундан сўнг уни жаҳли чиқиб, автомашинасини таъмирлаб беришини айтиб, бироз уришгани, ҳозирги кунда унга етказилган умуман зарар қопланмагани, унинг автомашинасига ўртача бозор қийматида 23.950.234 сўм миқдорида моддий зарар етказилгани, шунингдек етказилган зарар суммасини аниқлаш мақсадида “DINVEST CONSULT” МЧЖга 450.000 сўм тўлагани, суддан ушбу зарарни ундириб беришни ва судланувчига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўради.

Фуқаровий даъвогар **Д.Аширбоев** суд мажлисида, у 2020 йил 5 мартдан 6 мартга ўтар кечаси тахминан соат 01:00 ларда, у дўстлари Тўхтамуродов Отабек, Тожалиев Сарвар ҳамда уни таниши Тумакова Регина билан бирга Зангиота тумани марказидаги кафедран чиқиб, Тошкент шаҳри орқали Бўстонлик туманига йўл чиқишгани, у кафедра ароқ ичганлиги сабабли, ўзининг бошқарувидаги онаси Х.Мирзаеванинг номида бўлган «КАПТИВА» русумли 01 P 871 ВВ давлат рақамли автомашинани ҳайдамасдан, спиртли ичимлик ичмаган О.Тўхтамуродовга автомашинани бошқаришни бергани, ўзи эса автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғига ўтиргани, улар Тошкент шаҳар КХАЙ кўчаси бўйлаб, Авлиё ота кўчаси томондан Махтумқули кўчаси томонга қараб ҳаракатланиб, «Пойтахт Оил» АЁҚШ қаршисига етганларида, уларни ЙХХБ ходими тўхтатган бўлгани, лекин улар гапга чалғиб кўрмайд қолишгани, кейин Фарғона йўли кўприк устига чиқиш жойи қаршисидаги светофорга яқинлашганларида, орқаларидан ҳаракатланиб келган ЙХХБ ходими шахсий, яъни йўловчи автомобилда келиб, улардан автомобилни йўлнинг ўнг чеккасига олиб тўхтатишни сўрагани, Отабек кўприк остидан ўтиб, йўлнинг ўнг чеккасига тўхтаганлигини, кейин ЙХХБ ходими Отабекдан ҳужжатларини тақдим қилишни сўраганлигини, улар ЙХХБ ходимига саволлар бериб, қандай ҳуқуқбузарлик содир этганлигини сўраётган вақтларида, улар билан бир йўналишда, орқа томондан КХАЙ кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келган «ЛАСЕТТИ» русумли 10 Z 349 PA давлат рақамли автомашинаси бошқарувни йўқотиб, йўлнинг ўнг четига чиқиб кетиб, «ЛАСЕТТИ» русумли автомашинанинг олд ўнг қисми билан «КАПТИВА» русумли 01 P 871 ВВ давлат рақамли автомашинани орқа чап қисмига уриб



тўқнашганлигини ва “ЛАСЕТТИ” автомашинаси ҳаракатни давом эттириб, олд қисми билан ЙХХБ ходимини ҳам уриб юборганлигини, тўқнашув оқибатида ЙХХБ ходими тан жароҳати олиб, тез ёрдам автомашинасида касалхонага олиб кетилгани, йўл-транспорти ҳодисасида у тан жароҳати олмагани, ҳозирги кунда унга етказилган зарар қопланмагани, унинг автомашинасига ўртача бозор қийматида 40.770.080 сўм миқдоридан моддий зарар етказилгани, шунингдек етказилган зарар суммасини аниқлаш мақсадида “DINVEST CONSULT” МЧЖга 670.000 сўм тўлагани, суддан ушбу зарарни ундириб беришни ва судланувчига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўради.

Дастлаб тергов даврида “ЛАСЕТТИ” русумли 10 Z 349 РА давлат рақамли автомашинаси йўловчиси А.Давранбеков, унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли С.Караджановга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни бошқа безовта қилмаслик ҳақида ариза билан мурожаат қилган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, С.Караджановнинг айби, ўзининг тўлиқ иқрорлик кўрсатуви, ЙТХ бўйича маълумотнома ва чизмаси, тушунтириш хатлари, суд-тиббий, судга оид трасология экспертизалари хулосалари ва жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан С.Караджановнинг содир этган жинойт ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи С.Караджановга жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида: “Жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 40-бандида: “Қўшимча жазо чораларининг янги жинойтлар содир этилиши олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, судларга ҳукм чиқариш пайтида асосий жазо билан бирга тегишли қўшимча жазо қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилиш тавсия қилинсин” деб тушунтирилган раҳбарий кўрсатмаларга амал қилган ҳолда, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-судланувчи [████████████████████] жабрланувчи В.Тошпулатов фойдасига жами 6.670.000 сўм, фуқаровий даъвогар Б.Хидировага фойдасига жами 24.400.234 сўм (шундан автомашинани баҳолаш учун 450.000 сўм,



автомашинага етказилган зарар 23.950.234 сўм), фуқаровий даъвогар Д.Аширбоев фойдасига жами 41.440.080 сўм (шундан автомашинани баҳолаш учун 670.000 сўм, автомашинага етказилган зарар 40.770.080 сўм) етказилган зарарни ундиришни;

шунингдек, манфаатдор тарафларга етказилган маънавий ва қўшимча моддий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин. Жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан ҳисоблансин.

Ҳукми ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИО ФМБ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи жабрланувчи В.Тошпулатов фойдасига 6.670.000 (олти миллион олти юз етмиш минг) сўм, фуқаровий даъвогар Б.Хидировага фойдасига 24.400.234 сўм, фуқаровий даъвогар Д.Аширбоев фойдасига 41.440.080 сўм етказилган зарар ундирилсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган маънавий ва қўшимча моддий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

/имзо/

Б.Икрамов

Аслига тўғри:

